

## V. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматларининг ҳажми


	<i>Миқдори, (млрд.сўм)</i>	<i>Ўсиши суръати, фоиз</i>	<i>Жамига нисбатан фоизда</i>
<b>Хизматлар – жами</b>	<b>1 381,2</b>	<b>108,1</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	64,1	112,7	4,6
молиявий хизматлар	359,6	121,5	26,0
транспорт хизматлари	216,6	104,1	15,7
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	208,2	101,9	15,1
яшаш ва овқатланиш хизматлари	41,2	102,8	3,0
савдо хизматлари	407,1	97,9	29,5
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	33,6	101,8	2,4
таълим соҳасидаги хизматлар	71,4	133,6	5,2
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	24,8	120,1	1,8
ижара хизматлари	34,1	117,9	2,5
компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	34,4	104,2	2,5
шахсий хизматлар	40,5	103,3	2,9
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	19,1	96,3	1,4
бошқа хизматлар	34,8	93,4	2,5

Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (29,5 %), молиявий хизматлар (26,0 %), транспорт хизматлари (15,7 %) ва таълим соҳасидаги хизматларни (5,2 %) ташкил этади.


Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни меъморчилик, мұхандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,4 %), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,8 %) ҳамда күчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (2,4 %) әгаллади.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби, % да**

(2021 йил январь-март ойлари учун)



### **Хизматлар таркибидаги мулкчилик шакллари улушларининг ўзгариш динамикаси, % да**



Бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги савдо хизматлари энг юқори улушни (29,5 %) ташкил этади. Савдо оддий тақсимлаш механизмидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вақтда, савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли қисми ҳисобланади.

Савдо хизматлари таркибида чакана савдо (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) хизматлари юқори улушни ташкил этади – 5,3 фоиз, улгуржи савдо хизматлари 10,4 фоиз ва автомобиль улгуржи ва чакана савдо хизматлари 84,3 фоизни ташкил этди.



**Савдо хизматлари ҳажми ва ўсиш даражасининг  
худудлар кесимида тақсимланиши  
(2021 йил январь-март)**

	<i>Млрд.сўм</i>	<i>2020 йил январь-мартига нисбатан фоиз</i>	<i>Жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, % да</i>
--	-----------------	--	--

<b>Жizzах вилояти</b>	<b>407,1</b>	<b>97,9</b>	<b>100,0</b>
-----------------------	--------------	-------------	--------------

*шахар:*

Жizzах	83,0	88,1	20,4
--------	------	------	------


*туманлар:*

Арнасой	11,4	96,9	2,8
Бахмал	39,2	103,3	9,6
Ғаллаорол	56,6	104,1	13,9
Шароф Рашидов	43,3	104,2	10,6
Дўстлик	22,0	94,8	5,4
Зомин	45,5	101,8	11,2
Зарбдор	21,7	97,9	5,3
Зафаробод	12,7	96,5	3,1
Мирзачўл	14,1	98,4	3,5
Пахтакор	20,5	97,0	5,1
Фориш	31,0	99,3	7,6
Янгиобод	6,1	96,8	1,5

Савдо хизматлари худудлар бўйича таҳлил қилинганида, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Шароф Рашидов (104,2 %), Ғаллаорол (104,1 %), Бахмал (103,3 %), Зомин (101,8 %) туманларида қайд этилди.

Унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари эса, Зафаробод (96,5 %), Дўстлик (94,8 %) туманларида ҳамда Жizzах шаҳарида (88,1 %) қайд этилди.

**Савдо хизматларининг умумий ҳажмида ҳудудлар улуши, % да  
(2021 йил январь-марти)**



Савдо хизматлари бўйича юқори улушга эга бўлган ҳудудлар Жizzах шаҳри (20,4 %), Фаллаорол (13,9 %), Зомин (11,2 %), Шароф Рашидов (10,6 %) ва Бахмал (9,6 %) туманлари ҳисобланади.

Унча юқори улушга эга бўлмаган ҳудудлар эса, Мирзачўл (3,5 %), Зафаробод (3,1 %), Арнасой (2,8 %) ҳамда Янгиобод (1,5 %) туманларидир.

**Транспорт хизматларининг таркиби, % да  
(2021 йил январь-марти)**



Хизматлар таркибida савдо ва молия хизматларидан кейин транспорт хизматлари улуши (15,7 %) юқорилигини кўриш мумкин.

Шунингдек, қайд этиш жоизки юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошишининг асосий омиллари – бу янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаoliyatini rivojlanтириш ҳисобланади.

Транспорт хизматлари таркибida автомобиль транспортининг улуши 15,1 фоиз билан асосий устунликка эга.

**Транспорт хизматлари ҳажми ва ўсиш даражасининг  
ҳудудлар кесимида тақсимланиши  
(2021 йил январь-март)**

	<i>Млрд.сўмда</i>	<i>2020 йил январь-мартига нисбатан фоизда</i>	<i>Жами хизматлар ҳажсимида ҳудудларнинг улуши, фоиз</i>
--	-------------------	--	--

<b>Жizzах вилояти</b>	<b>216,6</b>	<b>104,1</b>	<b>100,0</b>
-----------------------	--------------	--------------	--------------

*шаҳар:*


Жizzах	40,0	104,5	18,5
--------	------	-------	------

*туманлар:*

Арнасой	1,8	100,5	0,8
Бахмал	20,7	98,0	9,5
Фаллаорол	19,0	99,4	8,8
Шароф Рашидов	70,7	110,6	32,6
Дўстлик	8,7	103,2	4,0
Зомин	22,0	102,2	10,2
Зарбдор	8,7	97,8	4,0
Зафаробод	3,2	98,7	1,5
Мирзачўл	5,6	101,2	2,6
Пахтакор	8,4	101,8	3,9
Фориш	6,0	97,8	2,8
Янгиобод	1,8	100,1	0,8

Туманлар ўртасида транспорт хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Жizzах шаҳри (104,5 %), Шароф Рашидов (110,6 %), Дўстлик (103,2 %) ҳамда Зомин (102,2 %) туманларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Зарбдор, Зафаробод (97,8 %) Бахмал (98,0 %) туманларида қайд этилди.



Транспорт хизматлари бўйича юқори улушга эга ҳудудлар сифатида Шароф Рашидов (32,6 %), Жиззах шаҳри (18,5 %), Зомин (10,2 %), Бахмал (9,5 %) ва Фаллаорол (8,8 %) туманлари қайд этилди.

Транспорт хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган улуш Янгиобод, Арнасой (0,8 %), Зафаробод (1,5 %), Мирзачўл (2,6 %) ва Фориш (2,8 %) туманларида қайд этилди.

Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қиласи. Йилдан-йилга одамлар Интернет ва мобиль телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқда. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматлардан реал вақтда масоғавий эркин фойдаланиш хукуки муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) давлат бошқаруви тизимида, иқтисодиётнинг тармоқларида, ижтимоий соҳа ва одамларнинг кундалик ҳаётида жорий этишни изчил амалга оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.


2021 йил январь-март ойларида Жиззах вилояти бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 64,1 млрд. сўмга тенг бўлди. 2020 йил январь-март ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 112,7 фоизни ташкил этди.

**Жиззах вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш суръати, % да  
(2021 йил январь-март)**



Жиззах вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан январь-март ойида ўсиш суръати (112,7 %) қайд этилди.

**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, % да  
(2021 йил январь-март)**




Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вактда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Күрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.


Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада, 2021 йил январь-март ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 359,6 млрд. сўмга teng бўлди, ўсиш суръати 121,5 фоизни ташкил этди.

**Жиззах вилоятида молиявий хизматларнинг  
ўсиш суръати динамикаси, % да  
(2021 йил январь-март)**



**Молиявий хизматларнинг таркиби, % да  
(2021 йил январь-март)**



Валюта сиёсатини эркинлаштириш, шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш (кредит бериш ва депозит ҳисоб рақамларни очиш бўйича электрон хизматлар кўрсатиш) борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (95,9 %) устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 2,7 фоизни, ёрдамчи молиявий фаолият 1,4 фоизни ташкил этди.

**Бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръатининг  
худудлар кесимидағи ҳолати**

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	Млрд.сўм	2020 йил январь-мартига нисбатан фоиз	Жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, % да	минг сўм	2020 йил январь-мартига нисбатан % да
<b>Жиззах вилояти</b>	<b>1 381,2</b>	<b>108,1</b>	<b>100,0</b>	<b>977,1</b>	<b>106,0</b>

*шаҳар:*

Жиззах	583,1	110,9	42,2	3221,5	3221,5
--------	-------	-------	------	--------	--------

*туманлар:*

Арнасой	24,3	103,8	1,8	520,8	520,8
Бахмал	86,3	103,7	6,2	540,8	540,8
Галлаорол	117,3	106,8	8,5	669,2	669,2
Шароф Рашидов	176,6	110,7	12,8	778,3	778,3
Дўстлик	47,7	104,6	3,5	714,8	714,8
Зомин	115,4	107,7	8,4	689,9	689,9
Зарбдор	49,0	103,6	3,5	554,2	554,2
Зафаробод	25,2	102,1	1,8	497,9	497,9
Мирзачўл	39,6	102,4	2,9	751,6	751,6
Пахтакор	45,7	102,9	3,3	601,3	601,3
Фориш	58,2	105,6	4,2	620,2	620,2
Янгиобод	12,8	102,3	0,9	448,8	448,8

Хизматлар соҳасининг ривожланишида энг катта улуш Жиззах шаҳри (110,9 %), Шароф Рашидов (110,7 %) ва Зомин (107,7 %) туманларда кузатилмоқда.


**Жиззах вилояти бўйича хизматларнинг умумий  
ҳажмида худудларнинг улуши, % да  
(2021 йил январь-март)**



Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Янгиобод (0,9 %), Зафаробод ва Арнасой (1,8 %) туманлари қайд этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах шаҳрида (3 221,5 минг сўм) бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,0 фоизни ташкил этди.

**Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг худудлар  
бўйича ҳажми ва ўсиш суръати, % да  
(2021 йил январь-март)**



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Янгиобод (448,8 минг сўм), Зафарабод (497,9 минг сўм) ва Арнасой (520,8 минг сўм) туманларида кузатилди.

**Яшаш ва овқатланиш бўйича  
хизматларнинг ҳажми ва ўсиш суръати**  
(2021 йил январь-март)




2021 йил январь-март ойларига нисбатан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ўсиш суръати 102,8 фоизни ташкил этди, ҳажми эса 41,2 млрд. сўмга кўпайди ва 6,6 млрд. сўмга етди.

Ушбу турдаги хизматларнинг пасайишига дам олиш уйлари, болалар лагерлари, коттеджлар ва бошқа дам олиш масканлари хизматларига бўлган аҳолининг талаби камайганлиги сезиларли таъсир этганлигини қайд этиш лозим.

## Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркиби, % да

(2021-йил январь-март)



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмининг асосий қисмини озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматларнинг улуси (88,9 %) ташкил этади.

## Худудлар кесимида яшаш ва овқатланиш бўйича

хизматларнинг ўсиш суръатлари


(2021 йил январь-март)



Қайд этиш жоизки, Зафарабод туманида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 99,2 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилнинг январь-март ойларида таълим соҳасидаги хизматлар жами хизматлар ҳажмининг 5,2 фоизини ташкил этиб 71,4 млрд. сўм, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 133,6 фоизга ташкил этди.

### **2021 йил январь-март ойларида худудлар бўйича таълим соҳасида кўрсатилган хизматларнинг ўсиш суръати, % да**




Хизматлар кўрсатишнинг мазкур соҳасида нисбатан паст ўсиш суръатлари Зомин (101,7 %), Арнасой (101,8 %) ва Зафаробод (102,2 %) туманларида кузатилди.

2021 йил январь-март ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар жами 24,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,1 фоизни ташкил қилиб, жами хизматлардаги улуши 1,8 фоизни ташкил этди.

Худудлар бўйича таҳлил қилинганда, энг юқори ўсиш суръати Зомин тумани (151,8 %) туманида кузатилди.

**2021 йил январь-март ойларида соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилган хизматларнинг худудлар бўйича ўсиш суръати, % да**



Соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилган хизматларнинг худудлар бўйича ўсиш суръатлари солиштирилганида, Арнасой (80,3 %), Зафаробод (88,2 %), Зарбдор (89,9 %) ва Мирзачўл (98,3 %), туманларида нисбатан паст ўсиш суръатларини, Зомин (151,8 %) Жizzах шаҳри (119,3%) ҳамда Ғаллаорол туманида (103,3 %) эса аксинча, юқори ўсиш суръатларини кўришимиз мумкин.